

---

## Ёшлар хатловини ўтказишда ҳамжиҳатлик зарур

Бағдод тумани ҳокими Юсуфжон Хусаинов 1-сектор таркибидаги маҳаллаларда ёшлар хатлови жараёнларининг боришини ўрганди.

Таҳлилларга кўра, айрим ҳудудларда хатлов жараёнлари нисбатан суст бормоқда. Масалан, 16 ноябрь санасига қадар “Қорақўл” маҳалла фуқаролар йиғинида атиги 140 нафар ёшлар қайта хатловдан ўтказилди. Бу эса, ҳудуддаги 14-30 ёшли фуқароларнинг 10,7 фоизини ташкил қилади. Мазкур кўрсаткич “Матқулобод” маҳалласида 10,2 фоизни, “Чексарой”да 8,1 фоизни, “Қирқволида” МФЙда 13,2 фоизни, “Қароқчитол”да 13,9 фоизни ташкил этмоқда, холос.

Таъкидланишича, хатлов жараёнларини аниқ ва тўла-тўқис олиб бориш ҳамда белгиланган муддатда яқунлаш учун “маҳалла бешлиги”нинг ҳамжиҳатлиги ўта зарур. Бунда, барча масъулиятни маҳалладаги ёшлар етакчиси зиммасига юклаб қўйиш асло ярамайди. Уйма-уй юрилганда ҳар бир хонадоннинг ижтимоий ҳолати, мавжуд муаммоларини рўй-рост ўрганиш ва уларни ҳал этиш учун тегишли таклифларни тайёрлаш лозим. Шундагина асл мақсадга эришилади – “ёшлар баланси” мукамал шаклланади.

Ўрганиш давомида, маҳалла раислари, ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси аъзолари ва бошқа масъулларга хатлов самарадорлигини янада ошириш юзасидан тегишли вазифалар топширилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.  
2022-11-17 17:30:15